

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ
ТЕРМИНАЛАРИНИНГ
ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ

ЎУҒАТИ

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА

КЎК 817

Ушбу кўрсаткичнинг асосий маъноси аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлади.

Маълумотларнинг аниқлиги ва қўлдан келиши ҳақиқатдан ҳам шундай бўлади.

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ

Биринчи бўлими
ТЕРМИНЛАРИНИНГ
ҚИСКАЧА ИЗОҲЛИ

ҚУҒАТИ

КЎК 817

Ушбу кўрсаткичнинг асосий маъноси аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлади.

Тошкент
"Turon zamin ziyo"
2015

Ўзбекистон Республикаси

УЎК 821.513
КБК 81.2

X-86

Худойберганова, Дурдона

Лингвокультурология терминларининг Қисқача изоҳли лугати / Д. Худойберганова. – Т.: "Turon zamin ziyo", 2015. – 44 б.

ISBN 978-9943-4548-1-1

Мазкур лугатда лингвокультурологияга оид асосий терминларнинг маъноси изоҳлаб берилган. Ундан ушбу соҳа бўйича тадқиқот олиб бораётган тилшунослар, шунингдек, филология йўналишида таълим олаётган талабалар, умуман филолог мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

УЎК 821.513
КБК 81.2

Тақризчилар:

Ш. Усмонова, филология фанлари доктори, профессор
Н. Маҳкамов, филология фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-4548-1-1

© "Turon zamin ziyo"
Тошкент, 2015.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

айн. – айнан

ар. – арабча

ва б. – ва бошқалар

ва ҳ. – ва ҳоказо

лот. – лотинча

нем. – немисча

фран. – французча

юн. – юнонча

қ. – қаранг

қис. – қисланг

СЎЗБОШИ

Тилшунослик илми XXI асрда янада жадал суръалар билан ривожланиб, фан олдига янги муаммоларни ҳал қилиш вазифасини қўймоқда. Ана шундай муаммолардан бири тил тизимини антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида тадқиқ этишдир. Бугунги кунда антропоцентрик йўналишнинг юзага келиши тилшуносликда туб бурилиш сифатида баҳоланиб, бу борада кўплаб тадқиқотлар яратилди ва яратилмоқда. Дунё тилшунослигининг лингвопрагматика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, психоллингвистика, этнолингвистика, нейролингвистика, прагмалингвистика каби йўналишларида шахс омили тадқиқот объектининг марказини ташкил этади. Мазкур соҳаларнинг юзага келиши лисоний фаолиятни унинг соҳиби бўлган инсон билан узвийликда тадқиқ этиш ҳаракатлари билан боғлиқдир.

Антропоцентрик парадигма "тилни куруқ структура сифатида эмас, балки жонли мулоқот ва коммуникацияга асосланган очиқ система сифатида ўрганувчи, бошқа системалар – жамият, инсон, маданият, руҳият кабилар билан узвий алоқадорликда таҳлил этувчи, инсонни тил ичида ёки тилни инсон ичида таҳлил этишга йўналтирилган қарашлар, ғоялар ва таълимотлар мажмуидир."¹ Проф. Н.Маҳмудов таъкидлаганидек, "антропоцентризм тилшунослар томонидан фақат тил тадқиқиғигагина нис-

¹ Раҳимов А. Тилни парадигмалар асосида ўрганиш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти – Тошкент, 2012-№2. Б. 24.

батланган тушунча ёки парадигма эмас, антропоцентризм бевосита тилнинг моҳиятига дахлдор ҳодисадир. ... антропоцентрик парадигмада инсон асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади."¹

Тилшуносликда эътироф этилганидек, антропоцентрик парадигма қиёсий-тарихий ва систем-структур парадигмалардан кейинги учинчи парадигма ҳисобланади.² Когнитив тилшунослик, социоллингвистика, этнолингвистика, психоллингвистика, нейролингвистика, прагматика ва лингвокультурология антропоцентрик парадигмага асосланган энг муҳим соҳалар ҳисобланади.

Антропоцентрик тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бири ҳисобланган лингвокультурология (*лингва* – тил + *логи*. *cultura*-ишлов беришг юн. *logos*-таълимот) тилшунослик, маданиятшунослик, этнография, психоллингвистика соҳалари ҳамкорлигида юзага келган, тилнинг маданият, этнос, миллий менталлик билан ўзаро алоқаси ва таъсирини антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида ўрганувчи соҳадир.³ Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, мазкур соҳа XX асрнинг сўнгги чорагида шаклланди, "лингвокультурология" термини эса В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби томонидан олиб борилган тадқиқотлар билан боғлиқ равишда пайдо бўлди.⁴ Лингвокультурологиянинг юзага келиши

¹ Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўллари ни излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 6.

² Маслова В.А. Лингвокультурология: учебное пособие. – М.: Academia, 2001. – С. 5.

³ Сабигова З.К. Лингвокультурология: учебник. – М.: Флинта: Наука, 2013 – С. 8-9.

⁴ Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа "Языки русской культуры", 1996. – 288 с.

ҳақида таъриқланганда, деярли барча тадқиқотчилар бу на-
зариянинг илдиизи В.фон Гумбольдтга бориб тақалишини
таъкидлайдилар¹. Тилшуносликда бу соҳанинг шаклла-
нишида А.А.Потебня, Л.Вайсгербер, Х.Глинц, Х.Хольц,
У.Д.Уитни, Д.У.Пауэлл, Ф.Боас, Э.Сепир, Б.Л.Уорф,
Г.Брутян, А.Везбицкая, Д.Хаймс каби тилшуносларнинг
қарашлари муҳим роль ўйнаганлиги таъкидланади².

Лингвокультурология соҳасида жиддий тадқиқотлар
яраган В.А.Маслова ушбу соҳанинг ривожини 3 bosқичга
ажратади:

- 1) фан шаклланишига туртки бўлган дастлабки
тадқиқотларнинг яратилиши (В.фон Гумбольдт, Э.Бенве-
нист, Л.Вайсгербер, А.А.Потебня, Э.Сепир каби тилшу-
носларнинг ишлари);
 - 2) лингвокультурологиянинг алоҳида соҳа сифатида
ажратилиши;
 - 3) лингвокультурологиянинг ривожланиш bosқичи³.
- Маданият, халқ тафаккури, унинг оламини идрок эти-
шидаги ўзига хос жиҳатларнинг тилда акс этишини ўр-
ганиш лингвокультурологиянинг асосий мақсади⁴.
Мазкур соҳанинг объекти тил ва маданият, предмети эса
ўзида маданий семантикани намоён этувчи тил бирлик-

¹ Қаранг: Нурмонов А. Оврупода умумий ва қилсий тилшунослик-
нинг майдонга келиши // Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик.
– Тошкент: Академнашр, 2012. – 2-жилд. – Б. 23-40; Махмудов Н. Тил-
нинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти.
– Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16.

² Қаранг: Маслова В.В. Лингвокультурология в системе гумани-
тарного знания / Критика и семиотика. Вып. 7. – 2004. – С. 238-243;
Махмудов Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 3-16.

³ Маслова В.А. Лингвокультурология: учебное пособие. – М.:
Academia, 2001. – 208 с.

⁴ Сабитова З.К. Лингвокультурология: учебник. – М.: Флинта: На-
ука, 2013 – С. 10.

лари ҳисобланади. Бинобарин, лингвокультурологияда
маданий ахборот ташувчи тил birlikлари тадқиқ эти-
лади¹. Бундай тил birlikлари лингвомаданий birlik-
лар термини остида бирлашади. Рамз, мифология,
эталон, мегафора, паремиология birlikлар, лақоналар,
стереотиплар, прецедент birlikлар, нутқий этикетлар
энг асосий лингвомаданий birlikлар ҳисобланади.
Оламинг лисоний манзарасини, маданиятнинг асосий
концептлари мажмуи бўлган концептосферани, лисо-
ний онгни тавсифлаш ҳамда тил эгаларининг миллий-
маданий менталлигини акс эттирувчи лисоний birlik-
ларни, инсониятнинг қадимий тасавурларига мувофиқ
келувчи маданий архетипларни, нутқий мулоқотга хос
бўлган миллий ижтимоий-маданий стереотипларни
аниқлаш лингвокультурологиянинг асосий вазифалари
ҳисобланади².

Тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири муаммоси этно-
лингвистика, этнопсихоллингвистика, когнитив тилшунос-
лик, лингвомамлакатшунослик, лингвоконцептшунос-
лик, лингвоперсонология каби соҳаларда ҳам ўрганилади.
Шу сабабли ушбу соҳалар лингвокультурологияга яқин
соҳалар ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда лингвокультурология дунё, хусусан,
рус тилшунослигида энг ривожланган соҳалардан бири
бўлиб, бу борада салмоқли тадқиқотлар, бир қанча ўқув
қўлланмалар яратилган. Мазкур соҳага оид ишларда
тадқиқотчиларнинг оламинг лисоний манзараси, линг-
вомаданий концептлар, прецедент birlikлар, ингер-
текстуаллик, лисоний онг, барқарор birlikларнинг
лингвомаданий хусусиятлари каби масалаларга қатъ

¹ Сабитова З.К. Ўша китоб. – Б. 9.

² Сабитова З.К. Ўша китоб Б. 9-10.

культурологик таҳлилни жиддий ва тизимий равишда амалга ошириш ишларига эндигина киришиляпти.

XXI асрнинг дастлабки йилларидан ўзбек тилшунослигида ҳам антропоцентрик таҳлил кўринишларини намоён қилувчи тадқиқотлар юзага кела бошлади. Бу ишлар, асосан, социолингвистика, когнитив тилшунослик, лингвистик прагматика ва психолингвистика соҳалари бўйича бажарилади. Мазкур тадқиқотлар, гарчи уларда антропоцентрик парадигмага муносабат бидирилмаган бўлса-да, ўзида ушбу парадигма тамойилларини акс эттирган дастлабки ишлар ҳисобланади. Шунингдек, уларда тилимизнинг миллий характери, урф-одағ, қадрият ва анъаналаримиз билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида ҳам айрим фикрлар бидирилганки, уларни лингвокультурология назариясига оид қарашларнинг илк намуналари сифатида баҳолаш мумкин. Жумладан, С.М.Мўминовнинг “Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари” мавзусидаги докторлик диссертациясида ўзбекларнинг ўзига хос мулоқот хулқи ижтимоий-лисоний нуқтай назардан тадқиқ этилган¹.

Тадқиқотдан мулоқот хулқининг миллий характери билан алоқадор жиҳатлари ҳақида, шунингдек, унинг инсон психологияси ва физиологияси билан боғлиқлиги хусусидаги қарашлар ҳам ўрин олганки, буни тил тизимида антропоцентрик ёндашув сифатида баҳолаш мумкин. С.М. Мўминов, жумладан, шундай ёзади: “МХ (мулоқот хулқи – Д.Х.) муаммосини миллий характер, миллат аҳолисининг ўзига хос урф-одағлари, қадрият ва анъаналарини ҳисобга олмасдан туриб мутлақо ўрганиш мумкин

¹ Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. А-ри ... дис. автореф. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2000. – 47 б.

эътибор қараётганикларини кузатиш мумкин¹. Бундай тадқиқотларда тилнинг барча сағҳлари бирликлар, хусусан, сўз ва матннинг тамоман янгича талқини ва таҳлили устуворлик қилади. Бунда лисоний бирликларнинг нафақат тил қонуниятлари, балки жамият, инсон, маданият, руҳият, миллий менталитет каби омиллар нуқтай назаридан ҳам тадқиқ этилиши тил илмида янги ғоялар, янги илмий қарашлар ва тамойилларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Ўзбек тилшунослигида шу вақтга қадар тил ва маданият узвийлигига эътибор берилмаган, дейиш адолатдан эмас, албатта. Ўзбек тилшунослик илмининг тамал тошини қўйган ва уни ривожлантиришга жиддий ҳисса қўлган олимларнинг ишларида бу муаммо хусусидаги фикрлар у ёки бу муносабат билан айтиб ўтилган. Лекин шунитаяқидлаш жоизки, тилшунослигимизда тилнинг лингво-

¹ Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). – М.: РУДН, 1997. – 331 с.; Красных В.В. Система прецедентных феноменов в контексте современных исследований // Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей. – М.: “Филология”, 1997. Вып. 2. – С. 5-12; Красных В.В., Гудков Д.Б., Захаренко И.В., Багаева Д.В. Прецедентные феномены в лингвистике // Вестник Московского университета. Серия 9. Филология. – 1997. – № 3. – С. 62-75; Слышкин Г.Г. От текста к символу. Лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании дискурса. – М.: Academia, 2000. – 128 с.; Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие. – М.: Academia, 2001. – 208 с.; Гунько Ю.А. Особенности функционирования прецедентных высказываний в разговорной речи носителей русского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский гос. ун-т, 2002. – 24 с.; Иванова С.В. Культурологический аспект языковых единиц. – Уфа., 2002. – 114 с.; Красных В.В. Этнопсихология и лингвокультурология: Курс лекций. – М.: Гнозис, 2002. – 284 с.; Пьетто-Гро Н. Введение в теорию интертекстуальности. – М.: АКИ, 2008. – 240 с.; Шаклеин В.М. Лингвокультурология: традиции и инновации. – М.: Флинта, 2012. – 212 с.; Сабитова З.К. Лингвокультурология: учебник. – М.: Флинта: Наука, 2013. – 508 с.; Еськова Т.В., Бугенко Е. Ю. Лингвокультурология: учебник. – М.: Флинта, 2014-478с. ва б.

эмас. Чунки МХ миллат характерининг узвий бир қисми бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир”¹.

Олим ХХ асрнинг 2-ярмидан ижтимоий фанларнинг ўзаро яқинлашганлиги натижасида социолингвистика, этнолингвистика, психолингвистика каби тугаш фанлар юзага келганини таъкидлар экан, “инсон нутқини фанларнинг мана шу каби тугаш нуқтасида тадқиқ этиш” фикрини илгари суради².

Проф. Ш.Сафаровнинг 2006 йилда нашр қилинган “Когнитив тилшунослик” номли монографияси айни соҳага оид назарий қарашларнинг ўзбек тилшунослигига кириб келишида муҳим қадам бўлди³. Китобнинг устувор жиҳатларидан бири шундаки, унда тил ва тафаккур муносабати миллий менталлик ва миллий маданият тушунчалари билан боғлиқ эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Ш.Сафаров, жумладан, бу борада қуйидаги фикрларни билдиради: “Тилнинг тафаккур билан алоқасини ҳозирча ҳеч ким инкор этган эмас (ҳатто бунга ҳаракат ҳам қилинган эмас). Бироқ тил ва тафаккур алоқасини “тенг ҳуқуқли ҳамкорлик” даражада кўрмоқ керак. Аслида, тилга ҳам, тафаккурга ҳам таъсир ўтказадиган маданиятдир”⁴. Олимнинг икки йил аввал эълон қилинган “Семантика” номли монографиясида лингвокультурология, хусусан, лингвотрансдисциплинар концептга доир назарий қарашлар янада кенг талқин этилди.⁵ Монографиянинг “Концепт ва маъно” деб номланган 8- бо-

¹ Мўминов С.М. Кўрсатилган автореферат. – Б. 36.

² Мўминов С.М. Кўрсатилган автореферат. – Б. 10.

³ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 91.

⁴ Сафаров Ш. Кўрсатилган китоб. – Б. 70.

⁵ Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2013-341б.

бида муаллиф концепт хусусидаги турли қарашларни чуқур таҳлил этиб, уларга ўз муносабатини билдирган. Олимнинг “Концепт мундарижасида тил соҳибларининг дунёқарashi ва бошқа турли миллий-маданий белгиларнинг акс топиши муқаррар” деган хулосаси бугунги кун лингвоконцептшунослигида устувор бўлган қарашлар билан ҳамоҳангдир.¹

М.Х.Ҳақимовнинг “Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини” мавзусидаги докторлик диссертациясида ўзбек тилшунослигида лингвистик прагматикага оид назарий масалалар биринчи марта монографик аспектда тадқиқ этилди². Мазкур тадқиқотда лингвистик прагматиканинг тарихий илдилари, унинг умумназарий масалалари, ушбу йўналишнинг тилшунослигининг бошқа йўналишлари билан муносабати ҳақида баҳс юритилган, матн семантик тузилишида қатнашувчи прагматик мазмун турлари ўзбек тилидаги мағнлар мисолида тадқиқ этилган³. Диссертацияда гарчи лингвокультурология термини қўлланмаган бўлса-да, лингвистик прагматика назарияси тилнинг миллий ўзига хослигини кўрсатиб беришда муҳим роль ўйнаши алоҳида таъкидланади: “Миллатга бўлган ҳурматнинг асл намунаси сифатида тилимизга давлат тили мақомининг берилганлиги ўзбек тили ва унга хос миллий хусусиятларни ўрганишга дунё халқлари интилишининг қизиқиши прагматика назариясига, унинг моҳиятига бўлган эҳтиёжни янада ортирмоқда. Сабаби лингвистик прагматика назарияси, яъни нутқнинг амалий қўлланиши билан боғлиқ ҳодисалар талқини ўша

¹ Сафаров Ш. Кўрсатилган китоб. – Б. 279.

² Ҳақимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. А-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2001. – 283 б.

³ Ҳақимов М. Кўрсатилган диссертация. – Б. 8.

тилга хос миллий ўзига хосликни англаш учун қулай им-
кониятлар яратади”¹.

Энг кейинги даврларда етакчи тишуносларнинг
лингвкултурологияга бевосита алоқадор бўлган
мақолалари эълон қилинди², бу соҳага оид оид дастлабки
ўқув-услубий қўлланмалар яратилди³.

Проф. Н.Маҳмудовнинг “Ўхшатишлар – образли та-
факкур маҳсули” номли мақоласи ўзбек тилидаги тургун
ўхшатишларнинг тил ва нутққа муносабати тайин этил-
ганлиги, шунингдек, уларнинг “миллий образли тафак-
кур тарзини намоён этадиган бирликлар”⁴ сифатида
таърифланиб, бу каби образли бирликларнинг лингвма-
даний хусусиятларини ўрганиш муаммоси қўйилганлиги
билан муҳим аҳамият касб этади. Н.Маҳмудов бу борада-
ги фикрларини “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли
лугати”⁵ та ёган сўбошиссида янада чуқурлаштирди.

Олимнинг “Тилнинг мукамал тадқиқи йўларини
излаб...” номли мақоласида эса лингвкултурология,
умуман, антропоцентрик парадигманинг моҳияти ва бу
борадаги муаммолар чуқур ва асосли ёритиб берилди⁶.

¹ Ҳакимов М. Кўрсатилган диссертация. – Б. 256.

² Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек
тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – № 3. – Б. 19-24; Бегматов Э. Антро-
понимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти.
– Тошкент, 2013. – № 3. – Б. 35-39; Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик
ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек
тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 5. – Б. 10-19.

³ Усмонова Ш. Лингвкултурология фанидан маърузалар курси. –
Тошкент: “Университет”, 2014. – 104 б.

⁴ Маҳмудов Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 23.

⁵ Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули
// Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг
изоҳли лугати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 3-10.

⁶ Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўларини излаб... //
Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16.

Мақолада лингвкултурология назариясининг шаклла-
ниши учун сабаб бўлган омиллар, ундаги асосий тушун-
чалар, уларнинг талқинидаги ҳар хилликлар ҳақида жуда
асосли мулоҳазалар айтилган. Хусусан, Н.Маҳмудов айни
соҳанинг энг асосий тушунчаларидан бўлган тил ва ма-
даният ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Тил ва маданият
деганда, кўпинча, “нутқ маданияти” дейиладиган муаммо
ассоциатив ҳолда эътиборга тушса-да, бу икки ўриндаги мада-
ниятнинг айнанлигини асло кўрсатмайди. Тил ва мада-
ният деганда, одатда, (тўғриси ҳам шу) тил орқали у ёки
бу маданиятни ёки аксинча, маданиятни ўрганиш орқали
у ёки бу тилни тушунтириш назарда тутилади, аниқроқ
айтадиган бўлсак, лингвкултурологиядаги маданият-
нинг маъноси “ақлий-маънавий ёки ҳўжалик фаолиятида
эришилган даража, савия (нутқ маданияти)” эмас, балки
“кишилик жамиятининг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва
маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари
мажмуи (маданият тарихи, ўзбек маданияти)” демакдир.
Шундай бўлгач, нутқ маданиятининг ўрганиш муаммо-
лари бошқа, лингвкултурологиянинг ўрганиш объекти
тамоман бошқадир”¹.

Проф. Э.Бегматов 2013 йилда эълон қилган мақоласи-
да ўз эътиборини “антропоцентрик бирликларда антропо-
центрик усул учун материал берадиган хусусиятлар”ни²
аниқлашга қаратган. Олимнинг таъкидига кўра, антро-
понимларнинг инсон хоҳиши ва фаолияти билан боғлиқ
эканлиги, уларда инсоннинг эҳтиёжи ва ижоди намоён
бўлиши, инсон номида қадимий давр кишиларининг ма-
даний-маънавий ва этник қарашлари ўз ифодасини топ-

¹ Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўларини излаб... //
Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 10.

² Бегматов Э. Кўрсатилган мақола. – Б. 37.

танлиги, умуман, исмлар халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маиший турмуши билан боғлиқ эканлиги уларни антропоцентрик парадигма асосида ўрганиш учун асос бўла олади¹.

Проф. А.Нурмонов эса ўз мақоласида лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақидаги мулоҳазаларини баён этар экан, тил ва маданият алоқасига оид муносабатини ҳам билдириб ўтади. Олим лингвистик нисбийлик назарияси асосчилари Б.Уорф ва Э.Сепирнинг тил ва тафаккурнинг маданият шакли эканлиги ҳақидаги фикрларини эътироф этиш билан бирга тиллар ўртасида умумий томонлар ҳам бор эканлигини таъкидлаб, шундай ёзади: "Ҳар бир тилда халқнинг руҳи, миллий маданияти, ўзига хос дунёни кўриш, идрок этиш тарзи намоён бўлиш билан бирга, тиллар ўртасида образ яратишдаги шундай умумий жиҳатлар борки, булар умуминсоний тафаккур маҳсули сифатида юзага чиқади"².

Проф. А.Нурмоновнинг фикрига қўра, тил ва маданият ўртасида алоқани тадқиқ этган олимлар 3 та гуруҳга бўлинади: "Биринчи йўналиш В.Лумбольт, Э.Сепир ва Б.Уорф номлари билан боғлиқ бўлиб, улар тил ва тафаккур, тил ва маданият муносабатида тилни белгилловчи куч деб ҳисоблайдилар"³. Олим бу қарашни бирёқлама деб ҳисоблайди. Жумладан, у шундай деб ёзади: "... номинатсияга асос бўлган образ марказини идрок қилишда турли типдаги тилларда ўзига хос умумий жиҳатлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бу ҳам лингвистик нисбийлик назария-

¹ Бегматов Э. Кўрсатилган мақола. – Б. 37.

² Нурмонов А. Кўрсатилган мақола. – Б. 18.

³ Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 5. – Б. 10-19.

ясининг оламни идрок қилишда тилнинг роли устувор эканлиги ҳақидаги хулосаси бирёқлама эканлигидан далолат беради"¹.

А.Нурмоновнинг фикрича, тил ва маданият муносабати ҳақидаги иккинчи нуқтаи назарда бу икки ҳодиса ўртасидаги алоқа тамоман инкор этилади. Олимнинг қарашига қўра, ушбу масала ҳақидаги учинчи нуқтаи назарда юқоридаги икки қарама-қарши фикрлар ўзаро сий-тезланади? Жумладан: "... тил ва маданият ўзаро боғлиқ ва айна пайтда фарқли ҳодисалардир. Тил ва маданият муносабатида тилнинг роли катта. Ҳар бир халқнинг ўзи-та хос этномаданияти унинг тили орқали ифодаланади. Лекин объектив борлиқда ана шу этномаданият мавжудлиги учун у тилда ўз ифодасини топади. Демак, тил ва маданият муносабатида ҳам объектив борлиқ – онг – тил муносабати амал қилади"².

Еш тадқиқотчи Ё. Одилов ўзбек тилидаги энантиосемик сўзларга бағишланган тадқиқотида ўз эътиборини фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятларига қаратиб, қуйидаги фикрларни баён этади: "Албатта, тилдаги ҳар қандай бирлик у ёки бу даражада миллий-маданий ўзига хосликларни намоён этади. Аммо шундай тил бирликлари борки, улар миллий-маданий инжаликларнинг бениҳоя бетакрор тимсолидир. Шу маънода фразеологизмлар миллат менталитети, маданияти, турмуш тарзи ҳамда узоқ йиллик кузатувларининг қабарик ифодасидир."⁴

¹ Нурмонов А. Кўрсатилган мақола. – Б. 15.

² Нурмонов А. Кўрсатилган мақола. – Б. 15.

³ Нурмонов А. Кўрсатилган мақола. – Б. 18.

⁴ Одилов Ё. Ўзбек тилида энантиосемия // Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати- Тошкент: "Akademnashr", 2014 – Б. 103.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда лингвокультурология бўйича ўқув-услубий қўлланмалар яратиб ишлари амалга оширилди. Усмонова Ш.нинг "Лингвокультурология фанидан маърузалар курси" номли китоби ўзбек тилида мазкур соҳа бўйича яратилган дастлабки ўқув адабиёти ҳисобланади. Унда ушбу соҳанинг мақсади ва вазифалари, ўрганиш объекти ҳамда предмети, унга ёндош фанлар хусусида маълумот берилган, лингвокультурологиянинг энг асосий тушунчалари ёритиб берилиб, соҳага доир асосий илмий асарлар билан таништирилган.¹ Бугунги кунда бу каби қўлланмаларнинг фоят катта амалий аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, она тилимизнинг мукамал талқинини яратишда юқоридаги каби лингвокультурологик таҳлил тамойилларини янада кенгайтириш, улардан самарали фойдаланиш бугунги ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Зеро, тил ва маданият ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборотни сақлаш, авлоддан авлодга узатиш, маданиятлараро мулоқотни юзага келтириш ва уни ривожлантириш хусусиятига эга бўлган ноёб ҳодисадир. Бунда у ҳам маданият маҳсули, ҳам унинг мавжудлигининг асосий шарти сифатида маданият қиёфасини белгиловчи, ворисийлигини таъминловчи омил вазифасини бажаради. Шу боисдан ҳам ўзбек тили тизими дунё тилшуносликларига етакчи парадигмалардан бири ҳисобланган антропоцентризм асосида тадқиқ этилиши лозим. Бу ўзбек тилшунослиги ривожини янада юқори поғонага кўтариши билан бирта тилимизнинг жамият, маданият, миллий менталитет ва руҳият билан узвийлигини кўрсатишга хизмат қилади.

¹ Усмонова Ш. Кўрсатилган китоб.

ЛУҒАТНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА

Мазкур луғатда лингвокультурология соҳасига оид 100 дан ортиқ терминларнинг изоҳи берилди. Терминлар, асосан, ўзбек тилидаги тилшуносликка оид илмий асарлар ва ўқув-услубий адабиётлардан олинди. Шунингдек, луғатга ҳали ўзбек тилшунослиги терминологиясидан ўрин олмаган, лекин лингвокультурологиянинг асосий тушунчаларини ифодаловчи айрим терминлар ҳам киритилди. Маълумки, лингвокультурология этнолингвистика, когнитив тилшунослик, маданиятшунослик, психоллингвистика каби фанларга ёндош соҳа ҳисобланади. Мазкур соҳаларга оид бир қанча терминлар лингвокультурология бўйича яратилган тадқиқотларда ҳам қўлланилади. Шу боисдан луғатда мазкур соҳаларга доир айрим терминларнинг ҳам изоҳини бериш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Луғат мақолалари, асосан, изоҳланаётган термин ва унинг изоҳидан иборат. Кўпмаъноли терминларнинг ҳар бир маъносига луғатда алоҳида изоҳ берилди. Айрим терминларнинг луғат мақоласида, илмий изоҳдан ташқари, унинг этимологияси ҳам берилди, баъзи терминларнинг изоҳида эса уни фанда биринчи бўлиб қўлланган тадқиқотчининг исм-фамилияси кўрсатиб ўтилди. Луғатда бу каби маълумотлар изоҳланаётган терминдан кейин қавс ичига олинган ҳолда берилди. Масалан: **КОНЦЕПТ 1** (лат. conceptus – тушунча; С.А.Аскольдов–Алексеев термини)...

Луғатда айрим терминларнинг изоҳидан сўнг унинг аниқлигини далиллаш мақсадида иллюстратив мисоллар келтирилади.

Луғатдан синоним терминлар ҳам ўрин олган бўлиб, улар айнан пометаси билан асосий терминга хавола қилинди. Изоҳланаётган терминга алоқадор бўлган, унинг маъносини янада аниқлаштиришга хизмат қилувчи терминлар луғатда қаранг пометаси билан берилди.

Муаллиф луғатнинг техник-амалий ишларида яқиндан ёрдам берган ЎзР ФА ТАИ илмий ходими Дилором Раҳматуллаевага ўз миннатдорчилигини билдиради.

Маълумки, лингвокультурологияга оид терминлар ўзбек тилишунослигида эндигина шаклланиб келмоқда. Мазкур луғат эса тилишунослигимизда айни соҳа терминлари изоҳланган илк луғат ҳисобланади. Шу боисдан унда терминларнинг ўзбекча муқобили, уларнинг изоҳига оид баҳсли ўринлар бўлиши табиий. Луғат муаллифи бу борадаги мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қилади.

А

АДРЕСАНТ (нем. Adressant – юборувчи) Нутқий ахборотни адресатга йўлловчи шахс, сўзловчи (ёзувчи).

АДРЕСАТ (нем. Adressat – қабул қилувчи) Нутқий ахборотни қабул қилувчи шахс, тингловчи (ўқувчи).

АЛЛЮЗИВ АНТРОПОНИМ Аллюзив матнда аллюзия кўрсаткичи вазифасида келувчи антропоним, аллюзив номнинг бир тури. Масалан: *Эрмак экан энди Лайлолар, Мажнун ариб кезган сахролар, Эртас экан Тоҳир-Зухролар, Бевафо кўп экан дунёда.* (М.Юсуф) қ. **аллюзив ном**.

АЛЛЮЗИВ ЗООНИМ Аллюзив матнда аллюзия кўрсаткичи вазифасида келувчи зооним, аллюзив номнинг бир тури. Масалан: *Довон ошиб шомол бўлиб Учар бизнинг “Жигули”, “Жигули” мас, сўё Дулдул, нақд Бойчибор дегули.* (Э.Воҳидов) қ. **аллюзив ном**.

АЛЛЮЗИВ КОСМОНИМ Аллюзив матнда аллюзия кўрсаткичи вазифасида келувчи космоним, аллюзив номнинг бир тури. Масалан: *Сен-ку Зухросан флакда, Интизорингман фақат, Не ажаб толминса кўнглим, Йўқ эмиш орзуда айб.* (Э.Воҳидов) қ. **аллюзив ном**.

АЛЛЮЗИВ МАТН Аллюзия воситасида ҳосил қилинган матн. қ. **аллюзия**.

АЛЛЮЗИВ НОМ Аллюзив матнда аллюзия кўрсаткичи вазифасида келувчи ономастик бирлик, ассоциатив тарзда идрок қилинувчи прецедент матннинг таркибий қисми; икки маданий-семиотик майдонни тугаштирувчи восита. қ. **аллюзия кўрсаткичи**.

АЛЛЮЗИВ ТОПОНИМ Аллюзив матнда аллюзия кўрсаткичи вазифасида келувчи топоним, аллюзив номнинг бир тури. Масалан: *Гафурнинг дўстисин қўндириб бошига Қаришдан чақнади шегърнинг чақмоғи*. (У. Азим) қ. аллюзив ном.

АЛЛЮЗИЯ (лат. *allusio* – ишора; ҳазил) Муайян тил бирлиги воситасида бирор адабий ёки ижтимоий-тарихий фактга ишора қилишдан иборат услубий фигура. Лингвокультурологияда аллюзия икки маданий-семантик майдоннинг ўзаро муносабати нуктаи назаридан ўрганилади. **АЛЛЮЗИЯ ДЕНОТАТИ** Аллюзив матнда ишора қилинган матн ёки ижтимоий-тарихий факт. Масалан, куйидаги матнда Христофор Колумб томонидан Американинг кашф қилиниши факти аллюзия денотати вазифасида келган: *Ва бирдан сезасан: одамлар эмас, Кемалар кўчадан ўтмоқда сузиб – Ишхонага эмас, майхонага эмас, Америка очгани кетмоқда улар. Уларни ҳайқириб табриклагинг келар, Ва бирдан англайсан: Сен ҳам бир Колумб*. (У. Азим)

АЛЛЮЗИЯ КУРСАТКИЧИ Аллюзив матнда муайян адабий ёки ижтимоий-тарихий фактга ишора қилиб келувчи, тил эгаларига яхши таниш бўлган лисоний бирлик. Аллюзия кўрсаткичи, одатда, машхур номлар, жумлалар ёки матнлар, яъни прецедент бирликлардан иборат бўлади. Масалан: *Сендаги нафратни хоҳлардим асти, Разиллар кўзига боқолсам хунҳор. Чунки ҳалигача, Отелло, рости, Яғони ўқитиб қўйгувчилар бор*. (А. Орипов) *Бунча узун оҳ тортингиз, оҳ Бобур, Муттаҳамлар дунёсида шох Бобур*. (С. Саййид)

АЛЛЮЗИЯ МАНБАСИ Аллюзив матнда ишора қилинган адабий ёки ижтимоий-тарихий факт манбаси. Ўзбек тилида бадий, тарихий, илмий асарлар, мифлар, фольклор асарлари таркибидagi матнлар, Қуръони Ка-

рим оятлари ва ҳадисларга аллюзия манбаси сифатида кўп мурожаат қилинади.

АНТРОПОЛИНГВИСТИКА 1 Шимолий Американинг туб аҳолиси тилини тадқиқ этиш билан боғлиқ ҳолда Америка тилшунослигида юзага келган, лингвистик, маданий ва этнографик ёндашувларни умумлаштирган тадқиқот йўналиши.

2 Инсон тафаккури тараққиётини унинг тил тараққиёти, хусусан, лексикада акс этиши билан боғлаб ўрганувчи соҳа. 2004 йил Белостокда бўлиб ўтган халқаро конференцияда Европанинг таниқли терминшунослари томонидан имзоланган “Белосток манифести” да мазкур соҳанинг юзага келанлиги расман эълон қилинган. Антрополингвистиканинг ўрганиш объекти асосан турли тилларнинг луғавий тизими, биринчи навбатда, терминологияси ҳисобланади.

3 йил. **ЭТНОЛИНГВИСТИКА.**

АНТРОПОМОРФИЗМ (юн. *anthropos* – одам + *morphe* – шакл, кўриниш) Ҳайвонлар, табиат ҳодисалари, мифология мажмуотлар ва предметларга одамга хос руҳий ва жисмоний белгиларни кўчириш.

АНТРОПОЦЕНТРИЗМ (юн. *anthropos* – одам + *logos* – sentrum – марказ) Тилшуносликда: тилга инсон омили нуктаи назаридан ёндашиш; лингвокультурология, когнитив тилшунослиқ, психоллингвистика, этнопсихоллингвистика, маданиятлараро мулоқот, нейролингвистика каби соҳаларда тилни тадқиқ этишнинг асосий тамойили. **АНТРОПОЦЕНТРИК ТИЛШУНОСЛИК** Антропоцентризм асосий тадқиқ тамойили бўлган тилшунослик соҳаларининг умумий номи. қ. **антропоцентризм**.

АНТРОПОЦЕНТРИК ПАРАДИГМА Тилни нафақат структура, балки коммуникацияга асосланган очиқ тизим

сифатида ўрганувчи, уни жамяят, инсон, маданият, руҳият каби бошқа тизимлар билан алоқадорликда тадқиқ этувчи, инсонни тил ичида ёки тилни инсон ичида таҳлил этишга йўналтирилган таълимотлар ва усуллар мажмуи.

АРГО (фран. argot – жаргон) Бирор ижтимоий гуруҳ, тоифанинг ўзига хос, бошқалар тушунмайдиган луғавий унсурлардан иборат ясама тили.

АРХЕТИП 1 (юн. arche – бошланиш + typos – шакл, намуна; К.Г.Юнг термини) 1 Бирор нарсанинг илк, бошланч шакли.

2 Турли маданиятларда кенг тарқалган турғун образ. Архетиплар турли халқлар маданиятида универсаллигини сақлаган ҳолда миллий қиёфа касб этади.

Б

БИОМОРФ КОД Исоннинг ҳайвоноғ ёки ўсимликлар дунёси билан боғлиқ тасавурлари акс этувчи лисоний бирликлар. Биоморф код тилда фразеологизм, эталон, метафорик маъноли сўз қабиларда намоён бўлади. Масалан: *тулқидай айёр, мусичадай беозор, шер йигит, илон* (одамга нисбатан) каби.

В

ВАҚТГА ДОИР КОД Вақт оқимида одам ҳаракатланишининг ўзига хос тақсимланишини ифодаловчи лисоний бирликлар. Масалан: *ўзбек тилидаги кўз очиб юлғунча, хўроз қичқирмасдан, қовун пўчоғи ерга тушганда* каби бирликлар.

ВЕРТИКАЛ КОНТЕКСТ (О.С. Ахманова ва И. В. Гюббенет термини) Магн мазмунидан ассоциатив равишда идрок қилинувчи ижтимоий-тарихий ёки филологик ахборот.

Г

ГЕНДЕР МЕТАФОРА Фақат бир жинсга нисбатан қўлланувчи метафорик маъноли сўз ёки бирикма. Масалан, аёл жинсидаги шахсга нисбатан қўлланувчи *дулмалак, ой*; эркак жинсидаги шахсга нисбатан қўлланувчи *шер арслон, лочин, тойчоқ, қўзичоқ* каби сўзлар.

ГЛОБАЛ (фран. global – умумий < лат. globus – шар) Умумбашарий, жаҳон аҳамиятига эга.

ГЛОБАЛЛАШУВ (фран. global – умумий сўздан) Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳодисаларнинг умуминсоний миқёсга эга бўлиши.

Д

ДИАХРОНИК ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ Лингвокультурологиянинг бирор этноснинг муайян даврдаги лингвوماданий ҳолатини ўрганувчи бўлими.

Ж

ЖАРГОН (фран. jargon) Бирор гуруҳга мансуб шахсларнинг ўз нутқи билан кўпчиликдан ажралиб туриш мақсадида ўзича мазмун бериб ишлатадиган сўз ва иборалари.

З

ЗООМОРФ МЕТАФОРА Ҳайвон ва паррандаларни билдирувчи, метафорик маънода қўлланган сўзлар. Масалан: *бўталоқ, тойчоқ, қўзичоқ, қулун* сўзларининг “бола”, “фарзанд” маъносида қўлланиши.

И

ИДИОЛЕКТ (юн. idios – ўзига хос, алоҳида + (диа)лект) Муайян шахс нутқида хос бўлган характерли белгилар.

ИЖТИМОИЙ-ТАРИХИЙ ВЕРТИКАЛ КОНТЕКСТ
